O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYATI
OQDARYO TUMANI
HOKIMI

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
ХОКИМИ

QAROR

« 6 » 09 2003 йил №387-К

**Юридик шахсга ижарага кушимча ер ажратиш тугрисида**

Узбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужаликларини ташкил этиш тугрисида»ги конунига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан утказиш ва хисобга куйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида» ги карорига хамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 53-маддасига асосан Самарканд ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 17-мартаги 1-сонли ««А.TEMUR» фермер хужалигига хужаликнинг №-151-контурдан 5,0 гектар узумзор, №-152-контурдан 11,7 гектар, №-153-контурдан 9,6 гектар, №-165-контурдан 4,8 гектар, №-166-контурдан 9,5 гектар жами 40,6 гектар кушимча ер майдони ажратиб бериш тугрисида» ги умумий йигилиш карорини хамда ер участкаларини бериш (Реализация килиш) масалаларини куриш буйича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясининг 2003 йил 25-августдаги йигилиш баёнидаги ижобий хулосани куриб чикиб, фукаро Р.Эргашевнинг «А.TEMUR» фермер хужалигига кушимча ер ажратиб бериш тугрисидаги аризасини куриб чикиб

**К А Р О Р К И Л А М А Н :**

1.Самарканд ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 17-мартдаги 1-сонли ««А.TEMUR» фермер хужалигига хужаликнинг №-151-контурдан 5,0 гектар узумзор, №-152-контурдан 11,7 гектар, №-153-контурдан 9,6 гектар, №-165-контурдан 4,8 гектар, №-166-контурдан 9,5 гектар жами 40,6 гектар дехкончилик йуналиши буйича кушимча ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йигилиш карори тасдиклансин.

2.Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонини йил якуни билан Самарканд ширкат хужалиги хисобидан чикариш тегишли меъёрий хужжатларни ва давлат гувохномасини тайёрлаш;

-ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «А.TEMUR» фермер хужалигини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини хамда ердан окилона фойдаланишни назорат килиш;

-туман Давлат солик инспекцияси (О.Жураев)га «А.TEMUR» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш;